

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Qishloq ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 13-IYUN, PAYSHANBA, 72 (8153)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Куннинг муҳим воқеалари

► Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг грант лойиҳаси доирасида қуёш батареяси орқали сув қиздирувчи коллектор ва тежамкор сенсорли лампалар ўрнатилди. Бу 60 ўринли хирургия мажмуасини муқобил электр энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Ишончли, экологик тоза муқобил электр таъминотидан фойдаланиш энергияни тежаш самарадорлигини ошириб, тиббий асбоб-ускуналардан янада унумли фойдаланиш ва тиббий хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилади.

► Гулистон туманининг Аҳмад Ясавий номидаги маҳалласида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда спортнинг енгил ва оғир атлетика, бадий гимнастика, кураш, бокс каби турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Мажмуада аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича махсус курслар ҳам ишлаб турибди.

► Жалақудуқ тумани Ёрқашлоқ қишлоғидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада сифатли асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий технологиялар асосида бу ерда кунига 200 тоннагача асфальт тайёрланаётир.

ПИЛЛАЧИЛАРНИНГ САРБАЛАНД ХИРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛИШНИ АҲД ҚИЛГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПИЛЛАЧИЛАРИ 25 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД «КУМУШ ТОЛА» ТАЙЁРЛАБ, ЙИЛЛИК ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИНИ АДО ЭТДИЛАР

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида соҳанинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари кўзга ташланаётир. Жумладан, пиллачиликда ҳам қатор ижобий ишлар

амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тармоқдаги ислохотларда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Қарор асосида пиллачилик тармоғини модернизациялаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш имкони яратилди.

(Давоми 3-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси

МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАДИ

Оролбўйида биринчилардан бўлиб Амударё туманида ғалла ўрими-йиғими бошланди. Шу муносабат билан тумanning Дўрман овули ҳудудидаги Қурбонғали Бешбоев раҳбарлик қилаётган «Бешбоев Қурбонғали» фермер хўжалигида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда туманлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбарлари ва мутахассислари, овул фуқаролар йиғинлари раислари, фермерлар ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

«Бешбоев Қурбонғали» фермер хўжалигининг 15 гектар ғаллазорида ҳосил чўғи баланд. Фермернинг таъкидлашича, 41 центнердан ҳосил олиш имконияти бор. Бундан ташқари, фермер хўжалигида 32 гектар майдондаги ғўза парвариши агротехника қоидаларига мувофиқ олиб борилмоқда.

Туман бўйича 2800 гектар майдонга экилган кузги буғдойдан мўл ҳосил

етиштирилди. Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун 6 та ўрими-йиғим отряди ташкил этилди. Бу ишларга 18 та замонавий комбайнлар, 30 та юк ташиш транспортлари қатнашади.

Комбайнларнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Туман бўйича 235 та фермер хўжалигида ғалла етиштирилди. Шундан Дўрман овулидан Тўрабой Пирназаров раҳбарлик қилаётган «Пирназаров Тўрабой», Холимбег овулидан Комил Авезов раҳбарлик қилаётган «Март овул», Бектемир Жуматов раҳбарлик қилаётган «Бектемир Жуматов», Бўзёп овулидан Матназар Айтбоев раҳбарлик қилаётган «Айтбой ота-хон», Оқол-



тин овулидан Олламберган Холимбетов раҳбарлик қилаётган «Олломберган ҳожи бобо», Илҳом Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган «Якубова Гавҳар», Қипчоқ овулидан Нурилла Хидиров раҳбарлик қилаётган «Хидиров Нурилла» фермер хўжаликлари жорий йилда 45-50 центнердан ҳосил олишни режалаштиришмоқда.

Туманда ўрими-йиғим мавсумини қисқа муддатда яқунлаш бўйича барча чора-тадбирлар белгиланди.

Мавсумга бағишланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов иштирок этди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

▼ ҒАЛЛАЧИЛИК



ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ

НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИ КЕНГАЯЁТГАНИ САРИ ЯНГИЛАНИБ, ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида қишлоқлар инфратузилмасини изчил ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида жонажон Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдек улғу ва эзгу мақсад мужассам.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидан буюн қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. 2009-2012 йиллар давомида республикамизнинг қишлоқ аҳоли пунктларида 23 минг 500 дан зиёд шина ва замонавий уй-жойлар қурилди. Биргина ўтган йилда 272 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 8 минг 510 та яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. Ушбу массивларда 437 та ижтимоий-маиший объектлар, жумладан, 15 та умумтаълим мактаби, 30 та қишлоқ врачлик пункти, 109 та савдо мажмуаси, 90 та новвойхона, 80 та маҳалла гузари, 42 та деҳқон бозори, 33 та мини банк, 47 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси барпо этилди.

Серқуёш юртимизнинг ҳар бир гўшасида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларда халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларимизнинг ўзига хос табиий иқлим шароити, шунингдек, замонавий муҳандислик коммуникациялари уйғунлашган. Бу эса нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Чунончи, шу йилнинг 17 апрелида пойтахтимизда ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши - қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларидаги янги массивларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонда ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотлар юксак самара бераётганига яна бир мартаба ишонч ҳосил қилдилар. Уларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 март куни имзоланган Қарори асосида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк» очик

акциядорлик-тижорат банки қишлоқларимиз кўрқига кўрк кўшиш, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлидаги ишларни зарур маблағлар билан таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Эътиборлиси, 2009-2012 йиллар давомида қурилган яқка тартибдаги уй-жойларнинг умумий қиймати 1 962,1 миллиард сўмни ташкил этгани ҳолда, банк томонидан аҳолига қарийб 1 186,3 миллиард сўмлик узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Бу эса қишлоқларимиз қиёфасини замонавийлаштириш ҳақиқатан ҳам жуда йирик ижтимоий лойиҳа эканлигидан далolatдир.

Обод турмуш йилида ҳам қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини янада кенгайтирилаётгани қувонарлидир. Айни пайтда 10 мингта уй-жойни барпо этиш ишлари қизгин олиб борилаётган. Шу мақсадда йил охиригача 1 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтирилади. Пойтахтимизда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Тадбирда мазкур банк бошқаруви раисининг ўринбосари Алишер Муратов жорий йил охиригача қурилиши кўзда тутилган уй-жойларнинг 8 минг 182 таси «Қишлоқ қурилиш банк»

ОАТБ, 1 минг 198 таси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, 620 таси эса «Ипотека-банк» АТИБ иштирокида молиялаштирилаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ иштирокида қурилиши молиялаштирилаётган уй-жойлар учун жами 457,8 миллиард сўм қийматидаги маблағлар банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси филиаллари ҳисобрақамларига ўтказиб берилган.

– Қурилаётган уй-жойлар қийматини асосиз равишда ошиб кетишининг олдини олиш, уйларнинг қурилишида маҳаллий хомашё ва замонавий материаллардан кенг фойдаланиш масалалари долзарб аҳамиятга эга, – дейди Алишер Муратов. – Шу боис, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 13 та корхона «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси тасарруфидан «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ тасарруфига ўтказилди. Яна бир янгилик шуки, жорий йилнинг 1 январидан эътиборан қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган яқка тартибдаги уй-жойларни сотиб олган жисмоний шахслар, улар ипотека кредитларини тўлиқ қоплагунга қадар мулк солигини тўлашдан озод қилиндилар.

– Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий банкларнинг кредит линиялари жалб қилинаётгани ҳам маълум, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг хорижий кредит линиялари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Анвар Ҳожиёв. – 2012-2015 йиллар давомида «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури доирасида шу кунгача Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 179,6 миллион АҚШ доллари қийматида маблағлар ўзлаштирилди. Бошқача айтганда, мазкур маблағлар қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар қурилиши учун тўлиқ йўналтирилди.

Халқимизнинг кўркам, шинам ва яшаш учун зарур шароитлар муҳайё этилган замонавий уйларга эга бўлиши мустақиллигимиз неъматларидан биридир. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришни кўзлаб, ана шундай уй-жойларни қуриш орқали қишлоқларимиз қиёфасини янгилашга қаратилган, дунё аҳли ҳавас қилса арзигулик ислохотларнинг изчил давом эттирилаётганидан фуқароларимиз беҳад мамнун. Буни уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортаётганида яққол кузатиш мумкин.

Сайидодил САИДИСЛОМОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Анжион Вилояти

▼ ФЕСТИВАЛЬ

Навоий Вилояти

ЁШЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК ШОДИЁНАСИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан юртимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб республикамиз бўйлаб ўтказилаётган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали Андион вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, пойтахтдан ташриф буюрган таниқли шоир ва ёзувчилар, театр ва кино актёрлари, эстрада хонандалари, спорт юлдузлари иштирокидаги қизиқарли учрашувлар умумтаълим мактаблари ҳамда лицей ва коллеж битирувчиларидан иборат минглаб ёшларни қамраб олди.

Мустақиллиқнинг дастлабки кунларида ноқ ёшларга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Келажак авлоднинг пухта билим олиши, ўзлари танлаган касб-хунар сирларини мукамал эгаллаши учун барча таълим муассасаларининг ўқув, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш устахоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Жумладан, сўнгги ой ой ичида вилоятдаги 30 та таълим муассасасига 878,1 миллион сўмлик, 17 та таълим муассасасининг ахборот ресурс марказларига эса 161,7 миллион сўмлик компьютер жамланмалари тақдим этилди. Бундан ташқари, бир қатор касб-хунар кол-

лежларига 803,5 миллион сўм маблағ эвазига спорт анжомлари, тикувчилик жиҳозлари, замонавий мебеллар тўпламлари келтирилди.

Жорий ўқув йилида вилоятдаги 117 та касб-хунар коллежини 47144 нафар битирувчи тамомлайди. Бу ёшларнинг 40 мингдан зиёди ўзлари бириктирилган корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётини ўтади.

Фестиваль меҳмонлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги ўқув муассасаларида, Мурувват уйларида бўлиб, ёшлар билан «Замонамиз қаҳрамонлари», «Сиз севган қаҳрамонлар», «Мустақиллик ёшларимиз» каби мавзуларда қизиқарли учрашувлар ўтказди. Тадбир доирасида касб-хунар коллежи ўқувчилари меҳмонларга ўзлари танлаган йўналишлари бўйича тайёрлаган ижодий, амалий ютуқлари кўргазмаларини намойиш этди. Ўз иқтидори ва салоҳиятини кўрсата олган юзлаб йигит-қизлар, «Камолот ойлиги»да фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчиларнинг қимматбахо совғалари топширилди.



– Андионлик ўқувчилар орасида ҳар томонлама билимдон, зийрак, шижоатли ва қатъиятли ёшлар кўплигига чин дилдан ҳавас қилдим, – дейди шоира Хосият Рустамова. – Очиғи, ҳаяжонимни яширмайман. Аслида ҳам, бундай учрашувларни ўтказишдан мақсадимиз, иқтидорли йигит-қизларни излаб топиш, адабиёт ва санъатга қизиқувчи ёшларнинг истеъдоди юзага чиқишига кўмаклашишдир.

Уч кун давом этган ёшлар фестивали вилоят марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи амфитеатрида ташкил этилган галаконцерт билан ниҳоясига етди. Барчага кўтаринки кайфият, қувонч ва жўшқинлик бахш этган шодиёналар андионлик ёшлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

Нурилло НҲЪМОНОВ

Кармана туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Бешкент» фермер хўжалигида гўштни қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, 14 турдаги колбаса ва гўшт маҳсулотлари тайёрланмоқда.

МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КЎПАЙМОҚДА

Цехда 7 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. 2 та савдо дўконида тайёр маҳсулотларни сотиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, вилоятдаги тадбиркорлар билан савдо шартномалари тузилиб, маҳсулот етказиб берилмоқда. Хўжалик 2012 йилда 135 миллион сўм соф даромад олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 150 миллион сўмга етказишни режалаштирган. Шунингдек, кичик корхона «Агробанк»нинг 70 миллион сўм кредит маблағи эвазига ишлаб чиқариш учун янги бино қуришни ҳамда чорва моллари сонини кўпайтиришни мўлжалламоқда.

Азимжон ХУШБАҚОВ

ПИЛЛАЧИЛАРНИНГ САРБАЛАНД ХИРМОНИ



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

(Боши 1-саҳифада)

“Дехқончиликнинг ҳандалаги” дея таърифланадиган пилла ҳосили бу йил янада мўл бўлди. Қулай иқлим, пиллачиларга яратилган шароит ҳамда кўрсатилаётган эътибор ўзининг самарасини берди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бу йилги мавсумда 45 мингдан зиёд фермер хўжалиги томонидан 447,5 минг қути ипак қурти уруғи парваришланди. Ҳар бир қутидан ўртача 57,5 килограммдан ҳосил олинди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, пиллачиларга яратилаётган шароит муваффақиятлар омили бўлмоқда. Озуқа базасининг мустаҳкамлангани ҳамда қулай иқлим боис ҳосилнинг сара бўлишига эришилди. Пиллачиларга қаратилаётган эътиборни моддий рағ-

батлантиришда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, пилланинг харид нархи ўртача 35 фоиз оширилиб, мавсум бошида-ноқ бўнак пулларининг тарқатилгани бу жараёнда муҳим омил бўлди.

Жорий йилда биринчилар қаторида пилла етиштириш шартнома мажбуриятини ошириб бажарган Фарғона, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларининг пиллачилари хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бешариқ, Фиждудвон, Қумқўрғон, Касби, Косон, Каттақўрғон, Юқори Чирчиқ, Бағдод, Бөрүнй, Амударё туманларида ҳар қути ипак қуртидан 60-66 килограммдан пилла хомашёси олинди.

Чимбой туманидаги “Оролбой” фермер хўжалигида ҳар қутидан 83 килограмм, Жалақудуқ туманидаги “Низом тонг шабадаси” фермер хўжалигида 82,5, Фиждудвон туманидаги “Наим Бобур” фермер хўжалигида 70, Дўстлик туманидаги “Жавлон” фермер хўжали-

гида 73 килограммгача “қумуш тола” олинди.

Жорий йилги мўл ҳосилда соҳада амалга оширилаётган модернизация ишларининг ҳам аҳамияти катта бўлди. Жумладан, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги пахта қабул қилиш масканларида 196 та ихтисослаштирилган пиллаҳоналар барпо этилиб, уларда ипак қурти интенсиф технологиялар асосида парваришланди. Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг баҳорида Хитойдан 12 миллион 800 минг дона тут кўчати келтирилиб, ихтисослашган пиллаҳоналарга яқин жойларда 1100 гектар майдонда интенсиф технологияга асосланган янги тутзорлар барпо этилди.

Дастлабки хирмон юксак бўлди. Бу барчамизни янада руҳлантиради. Шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Самарқанд Вилояти

МАКТАБДАН – КОЛЛЕЖГА, КОЛЛЕЖДАН – КОРХОНАГА

Умумтаълим мактабларида ўқув йили якунланиб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқди. 9-синф битирувчилари таълимнинг кейинги босқичи – академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришга тайёргарлик кўраётир. Бу жараёнда уларга ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари яқиндан ёрдамлашмоқда.

Жомбой тумани “Каттақишлоқ” маҳалласидаги 3- ва 22-умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган 108 нафар йигит-қиз айти пайтда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ҳужжат топширмоқда. Ўқув йили давомида мактабларда ўтказилган сўровлар, ота-оналар билан уюштирилган суҳбатлар ҳамда коллежларда ташкил этилган “Очиқ эшиклар кунни” тадбирлари натижасида бугунги кунда ҳар бир ўқувчи қайси таълим муассасасида қандай мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш юзасидан аниқ хулосага келган. Уларнинг рўйхатлари тегишли таълим муассасаларига тақдим этилган ва бу жараён маҳалла фуқаролар йиғини томонидан мониторинг қилиб борилмоқда.

– “Бир болага етти қўшни ота-она”, деган гап бежиз айтилмаган, – дейди “Каттақишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзам Бердирасулов. – Халқимизнинг ўзига хос қадрияти ҳисобланган бундай тушунча камолга етаётган фарзанд таълим-тарбиясига нафақат унинг ота-онаси, балки бутун маҳалла масъул эканлигидан далолатдир. Шундан келиб чиқиб, маҳалламизда истиқомат қилаётган мингга яқин вояга етмаганларнинг баркамол ўсиб-улғайиши, билим олиши ва касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратаётимиз. Уларнинг мактаб ва коллежлардаги ўқишини, юриш-туришини

назорат қилиб, ўқитувчи ва ота-оналар билан тез-тез суҳбатлашиб тураемиз. Айтишга, умумтаълим мактаблари 9-синфини тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бораемиз. Жорий йилда иккита мактабнинг 9-синфини битирган юз нафардан зиёд ўқувчи билан уларнинг ўқитувчилари ва ота-оналари иштирокида суҳбатлашиб, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида йўлга қўйилган 12 йиллик мажбурий таълим тизимининг аҳамияти ҳақида батафсил маълумот бердик. Маҳалламиздаги энгил sanoat коллежидида мактаб ўқувчилари учун “Очиқ эшиклар кунни” ташкил этилиб, улар мазкур таълим даргоҳидаги мутахассисликлар, яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Мактабларда туманимиздаги еттита касб-хунар коллежининг тақдимотлари ўтказилди. Бу тадбирлар ўқувчиларнинг ўз қизиқиши ва интилишларига мос таълим йўналишларини танлаши учун имконият яратди.

Маҳалла ҳудудидаги 3-умумтаълим мактаби психологи Зуҳра Абдураҳмонованинг айтишича, жорий ўқув йилида мактабнинг 9-синфини тамомлаган битирувчиларнинг 34 нафари энгил sanoat касб-хунар коллежиди, саккиз нафари Самарқанд шаҳридаги таълим муассасаларида ва яна етти

БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТ

Ўқувчи Жомбой транспорт коллежидида ўқиш истагини билдирган.

Бу йил 111 нафар каттақишлоқлик йигит қиз касб-хунар коллежларини битириб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Уларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, тадбиркорликка кенг жалб этиш учун маҳалла томонидан зарур чора-тадбирлар кўриломоқда. Хусусан, ҳудуддаги “Amin invest international” ва “Artek” қўшма корхоналари эллик нафарга яқин битирувчини ишга қабул қилиш бўйича шартнома имзолаган. Ўндан ортиқ ёш мутахассис эса банкларнинг имтиёзли кредити асосида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, иш бошламоқда.

– Коллежимизда туман ҳокимлиги, банклар ва иш берувчи корхоналар вакиллари билан ўтказилган учрашувда имтиёзли кредит олиб, фаолият бошлашимиз мумкинлиги ҳақида эшитгач, чорвачилик билан шуғулланишга қарор қилдим, – дейди Жомбой энгил sanoat коллежи битирувчиси Мақсуд Ўроқов. – Тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, “Микрокредитбанк”ка мурожаат қилганимдан сўнг менга имтиёзли кредит берилди. Бу пулга чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигидан қорамол харид қилдим. Энди уни кўпайтириш ниятидаман.

Ҳа, “Каттақишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар бир ўқувчининг кейинги ҳаёти назоратга олинган. Демак, бирон-бир бола эътибордан четда қолмайди. Зеро, бу масалага алоҳида эътибор, масъулият билан қараш бутун маҳалла аҳлининг бурчи ва мажбуриятидир.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Наманган Вилояти

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасида оммавий ахборот воситаларида палата фаолиятининг ёритилиши ва истиқболдаги режаларга бағишланган ҳудудлараро матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлар ҳамда 40 дан ортиқ марказий ва маҳаллий ОАВ ходимлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари Президентимизнинг мамлакатимизда эркин ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалари ижросини таъминлашда фаол иштирок этиб, ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Ушбу жараёнларни эса телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет сайтлари орқали ёритиш ва кенг жамоатчиликка етказиш ишлари қониқарли даражада эмас. Шундан келиб чиқиб, тадбирда ҳудудий бошқармаларнинг ОАВ билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва сифатли теле ва радио роликлар тайёрлаш, қўлланмалар чоп этириш ҳамда веб-сайтлардаги ахборотларни янгилаб бориш муҳим эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, анжуманда “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш ва бу борада икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бухоро Вилояти



ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ...

Шавкат Мирзаев салкам йигирма йилдан буён Бухоро тумани тиббиёт бирлашмасида болалар шифокори бўлиб ишлайди. Олий тоифали шифокор эртани эгалари бўлган ёш авлоднинг саломатлиги йўлида астойдил иш олиб бормоқда. Малакали мутахассиснинг ўз ҳамкасблари орасида алоҳида ҳурмати бор.

Касалликни даволашдан кўра олдини олган афзал. Ана шу тамойилга амал қиладиган Шавкат Мирзаев туман ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, аҳоли орасида тез-тез профилактика тадбирлари ўтказиб туради.

СУРАТДА: шифокор Шавкат Мирзаев “Қавола” қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира Ражабгул Хидирова билан чақалоқни кўздан кечирмоқда.

Ҳамрози АЛИ олган сурат.

Тиббиёт

Қашқадарё Вилояти

Фахримизга айланган фахрийлар

Баъзан инсон кўнгли турмуш ташвишларидан, рўзгор юмушларидан чарчаган пайтларида ором, ҳузур, ҳаловат истайди. Ана шундай чоғларда буюк сиймоларимиз яшаган, уларнинг муқаддас қадами етган масканларга ошиқамиз. Бундай жойларда кишининг руҳи тозаланади, қалби покланади. Қолаверса, ўсиб келаётган бугунги ёш авлодга юрти-мизнинг узоқ ўтмиши ҳақида сабоқ беради. Бизнинг аجدодларимиз яратувчи, гўзалликни севувчи, билимдон, юксак истеъдод соҳиблари бўлганлигини англаиб туради.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Яратганга шукрки, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида муқаддас жойлар, буюк алломаларимизнинг мақбаралари обод бўлмоқда, масжид ва мадрасалар қайта тикланиб, тубдан реконструкция қилинмоқда. Диёримизда бундай муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар жуда кўп. Улардан бири Қарши шаҳрида жойлашган Абу Убайда Ибн Ал-Жарроҳ зиёратгоҳидир. Вилоят ҳокимлиги томонидан бу ерда олиб борилган кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари туфайли ҳозирда унинг қиёфаси ўзгартирилиб, гўё музей даражасидаги масканга айлантирилди. Сағана ва миноралари, мақбаралари, ҳовузли, ёзги айвон ва хўжалик объектларига замонавий ва миллий меъморчилик услубида безак берилди. Мажмуа ҳудуди 5,5 гектарга кенгайтирилиб, ажойиб қадамжолар барпо этилди. Бу жараёнда “Нуроний” жамғармаси виллоят бўлимининг ҳам алоҳида ҳиссаси борлиги қувонарлидир. Ҳозирда бу масканда тез-тез фахрийларимиз ва ёшларимиз ўртасида давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилади. Бу борада жамғарма сўнгги йилларда виллоятдаги 880 та қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ҳамда таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб, бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатмоқда. Айниқса, фахрийларимиз томорқа маданияти бўйича ҳам ёшларга

ўрнатқан бўлишмоқда. Масалан, Китоб туманидаги “Сиёб” фермер хўжалиги раҳбари Мурод бобо Тошпўлатов тоғ ёнбағрида яратган боғидан ўтган йили 24 тонна олма етиштириб, 25 миллион сўмга яқин даромад қилди. Шундан бир миллион сўмини Яккабоғ туманидаги “Саховат” уйига хайрия ёрдами кўрсатди.

Чироқчи туманидаги Карамтепа қишлоғида яшовчи 70 ёшли Улаш бобо Тўқонов тажрибали боғбон бўлиб, 30 сотих ерда боғ ташкил қилган. Боғда етиштирилган дарахтларнинг кўпи пайванд қилинган. Сахий боғбон кўламда 600 тупга яқин бир миллион 800 минг сўмлик мева кўчатларини ҳамқишлоқларига бепул тарқатди. Шунингдек, Қарши туманидаги Нуқрабод қишлоғида истиқомат қилувчи Маҳбуба момо Турсунова оилавий бизнес билан шуғулланиб, 25 мингтага яқин парранда парваришлаб, аҳолига 250 миллион сўмлик гўшт маҳсулотлари етказиб берди. 60 та кам таъминланган оилаларга жўжалар тарқатди.

Фахрийларимиз ёшларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам фаол бўлмоқдалар. “Ҳамиша хушёр бўлайлик”, “Огоҳлик — давр талаби”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етайлик”, “Ёшларга насиҳатларимиз”, “Одам савдоси — олам муаммоси” каби мавзуларда ёшларга диний ақида-

парастилик ва халқаро терроризмнинг асл моҳиятини очиб беришда фахрийларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари битирувчиларини касбга йўналтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича ҳам ота-оналар билан суҳбатлар уюштирилмоқда. “Нуроний маслаҳати — ёш оилалар камолоти” шиори остида ёшларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланяпти.

Якка-ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлаш ҳам доимий эътиборимизда.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалик ишларининг тез ва соз, сифатли боришида ҳам фахрийларимизнинг алоҳида ўрни бор. Фермерлар иши билан яқиндан танишиш мақсадида жамғарманин виллоят бўлими ҳузурда маслаҳат гуруҳи тузилган. Учта гуруҳдан иборат вакиллар вақти-вақти билан жойларда бўлиб, қишлоқ мулкдорларига қимматли маслаҳат, йўл-йўриқ, тавсиялар бериб турибдилар. Сирасини айтганда, фахрийлар бизнинг жамиятдаги илғор вакилларимиз бўлиб, мустақилликни мустаҳкамлашда олдинги сафларда боришмоқда.

Январ ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Қашқадарё виллояти бўлими Кенгаши раиси.

Фарғона Вилояти

ЧИРОЙ ОЧАЁТТАН КЎШТЕПА

Кўштепа тумани марказига кетяпмиз. Йўлнинг икки тарафидаги каттаю кичик обод қишлоқлар манзарасидан кўнглимиз равшан тортади. Мана янги тушган бир-биридан шинам ва озода замонавий турар-жойлар... Ҳавасингиз келади. Айниқса, йўл бўйига, ҳовлининг ташқи томонига экилган тоқлар, ариқ ёқаларидаги гуллар хонадон эгаларининг диди ва меҳрини кўрсатади. Ҳа, кўштепалликлар ана шундай меҳнаткаш, ерга меҳр бериб, турмушини обод этаётган кишилардир. Кўштепа боғлар маскани. Ушбу туманда айни пайтда 136 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири “Аҳмадали ота” фермер хўжалигидир.

— Ўн уч гектар майдонда мевали боғимиз бор, — дейди фермер Акрамжон Аҳмадалиев. — Мевали боғимизда ўрик, олма, олхўри, шафтоли, гилос кўчатлари парваришланади. Фермер хўжалигимизнинг ўн уч нафар аъзоси бўлиб, уларнинг ҳар бири боғдорчилик юмушларига меҳр билан ёндашади.

Лангар қишлоғи Кўштепа туманининг маркази. Президентимизнинг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан на-

мунавий лойиҳалар бўйича бунёд этилган уй-жойлар Лангар қишлоғи ҳуснига янада чирой бағишлаб юборди. Замонавий уй-жойларга мутаносиб равишда Юртбошимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бўйича қад ростлаган Болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси ҳар қандай кишининг хайратини оширади. Мазкур маскани бунёд этиш ишла-

ри Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилган бўлиб, бевосита қурилиш-монтаж ишларига 2 миллиард сўмдан зиёд, жиҳозлаш ишларига 364 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Туманимиз маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб бораёттир, — дейди туман фермерлар кенгаши раиси Баҳодиржон Содиқов. — Бу кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, эртанги кунга ишонч руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Замонавий уй-жой эгалари орасида фермерлар ҳам кўп. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мўл ҳосил етиштириб, даромади ошиб бораётган фермерлар деҳқончилик маданиятини ҳам юксалтирмоқда. Фермерларнинг ташаббуси ва меҳнати билан Кўштепа янада обод бўлиб бораёттир. Сирасини айтганда, халқимизнинг “Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик” деган ибораси кўштепалликлар фаолиятида яққол намоён бўлаёттир.

Маъмур МУСУЛМОНОВ



«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ СОМОН ҲАМ ЁНДИ, УЙ ҲАМ...

Ҳаётни ўйин кулгую кайфи сафодан иборат деб билганлар адашади. Сергели туманида яшовчи эр-хотин Рафаел ва Аниялар ҳам шундай бўлишди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ишсиз. Тўғрироғи, бир ишнинг бошини тутишмаган. Икки нафар фарзандининг тарбиясини ҳам ўйин деб билишадик, шечилли, бепарво...

Ўша куни уларнинг уйига ўзлари каби бекорчилар — Игор ва Света келишди. Ўзлари билан “яримта” ҳам олиб олишибди. Суҳбатни қизтади, дейишган-да. Аммо тўрт кишига “яримта” нима бўларди. Рафаел яна икки марта дўконга бориб келишига тўғри келди. Шундай қилиб, бўшаган шишалар учта бўлди. Чекилган тамаки қутилари эса...

Дарвоқе, ёнғин ҳам ана шу сигаретадан чиққан эди. Кайф устида улоқтирилган сигарета қолдиғи айвон остидаги сомонга тушган, бироз тутаб турган, аммо тезда аланга олмаган. Буни қарангки, уйдагилар тутун ҳидини сезишмаган. Қаердан ҳам сезишсин. Уйнинг ичи сигарета тутунига тўла бўлса...

Шу боис, ўйин-кулгунини давом эттириверишган. Хайриятки, хушёр ва зийрак кўшнилари бор экан. Улар тезда ёрдамга чиқишган, энг катта ёрдам эса ёнғин хавфсизлиги хизматига қилинган кўнғироқ бўлди.

Ёнғин жойига етиб келган ўт ўчирувчилар тезда алангани бартараф этишди. Маст ҳолатда бўлган уй эгалари ва “меҳмонжонлар” ташқарига олиб чиқилди.

Аммо бу билан кўнғилни хотиржам қилиш мумкин эмас. Уларга бу сабоқ бўлди? Балки, йўқ. Шу боис, уларга тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Умуман олганда, “Ўз уйингни ўзинг асра” шиорига доимий амал қилишимиз лозим. Аммо шуни унутмаслик лозимки, кўшнининг уйига ўт кетса, бир девор ошмай қолмайди. Шу боис, ҳар доим хушёр ва огоҳ бўлиш керак.

Анвар МУРОТБАКИЕВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.

ТЕРМИТ КЎЧМАЙДИ... КЎЧИРАДИ

Халқимиз орасида кенг тарқалган ушбу иборага олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган янги препарат чек қўядиган бўлди

Халқ орасида «сариқ чумоли», «оқ чумоли», «ваҳмак», «овсизув» номлари билан аталадиган бир ҳашарот бор. Асосан ёғочхўр ҳисобланган ушбу ҳашарот аҳоли уйларининг, тарихий иншоотларнинг ёғоч қисмларига катта зиён келтиради. «Ё сени кўчиради, ё ўзи кўчади», деган ибора ҳам айна шу ҳашаротга тегишли. Боиси, у бор жойдан одамлар қочиб қутулишлари мумкин, аммо унинг ўзи ҳеч қачон кўчиб кетмаган. Илмий номи – термит бўлган ушбу ҳашаротларнинг 2600 тури маълум. Улар асосан, тропик ва субтропик мамлакатларда кенг тарқалган. Юртимизда термитларнинг 2 тури, яъни «Туркистон термити» ва «Катта Каспийорти термити» мавжуд. Айниқса, улар кейинги 20-30 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида кўплаб учрамоқда.



ТЕРМИТЛАР ҲАҚИДА ТУРЛИ МАЪЛУМОТ...

Термитлар жамоаси аъзолари табақаларга бўлинади: «ишчи»лар, «аскар»лар, «шоҳ» ва «малика». Уларнинг вазифалари ҳам ҳар хил. Масалан, ишчи термитлар озуқа йиғиш, авлодга ғамхўрлик қилиш, қўйилган личинкаларни тарбиялаш, табақа вакиллари озиқлантириш ва уялар қуриш билан шуғулланса, ишчи термитларга қараганда бош қисми йирик, йиртиқ кўринишда бўлган «аскарлар» уя шикастланганда қайта тиклайди, нарсаси-буюмларни қипиққа айлантдириб, «ишчи»ларга йўл очиш, жамоани ташқи душманлардан ҳимоялаш вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уяда бир жуфт – эркак ва урғочи термит бўлиб, фан тилида «шоҳ» ва «малика» деб юритилади. Улар термитлар наслини дунёга келтиради. Она термит 10 йилгача яшайди ва умри мобайнида 115 миллионгача тухум қўяди.

Жинсий вояга етишган қанотли урғочи ва эркак термитлар, личинкаларнинг бир неча бор туллаб нимфалар ҳосил бўлишидан келиб чиқади. Қанотли шаклилар, термитлар жамоасида фаол иштирок этмайди, балки қанот ҳосил қилиб тинчланиш даврини ўтагач, оилани тарқатиб, янги оила ҳосил қилади ва термитлар тарқалишида муҳим роль ўйнайди. Баҳорда (март, апрель) илиқ ёмғирлардан сўнг термитларнинг қанотли жинслари учиб чиқади. Сўнгра жуфт-жуфт ҳолда тупроққа кириб, янги оила ҳосил қилади. Оила асоси бўлган, қанотини ташлаган урғочи ва эркак термитлар бир неча йил яшай олади.

«Ишчилар» нобуд бўлгани билан она термит кўплаб насл қолдираверади. Ўз оиласининг асосчилари ҳисобланган «шоҳ» ва «малика» бутун умрини ер остида муқим ҳолда ўтказиши ҳам мумкин. Оила таркибидаги уяларни назорат этиш ва бошқариш билан бирга сон жиҳатидан меъёрни сақлаб туради. «Малика» қўйган тухумдан уларнинг оиласи таркиби 8-12 минг, иккинчи йилда 15-24 минг, учинчи йилда эса 32-40 минггача кўпайса, ташқи таъсир туфайли маълум миқдорда меъёр камайиб кетганда қайтадан тухум қўйиш орқали ўз популяциясини яна тиклайди.

лаб чиқилди.

– Термитлар тез кўпаяди, – дейди Тошкент давлат аграр университети кимё кафедраси доценти Салоҳиддин Зокиров. – Уларнинг жамоа бўлиб ер тагида яширинган ҳолда ҳаёт кечириши ушбу зараркунандаларга қарши курашиш, уларни батамом йўқотиш им-

конини бермайди. Олимларимизнинг изланишлари асосида яратилган янги «Антитермит» препарати эса ана шу муаммони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Янги препаратни тайёрлашда термитлар хуш кўрадиган маккажўхори поясидан хўрак сифатида фойдаланилди.

Хўракни тайёрлашда майдаланган маккажўхори поясига юқори патогенли, захарли препаратлар аралаштирилиб, сирти картондан ишланган цилиндр шаклидаги контейнерлар эса махсус шкафада қуритилиб, термит уялари мавжуд ерларга ўрнатилади. Бу хўракнинг эътиборли жиҳати шундаки, захарли контейнерларни термитлар маълум вақтда лой сувоқ билан ўраб, аста-секин еб тугатаверади. Ишчи термитлар ўз вазифасидан келиб чиқиб, еган захарли хўраги билан барча табақаларни, жумладан, «шоҳ» ва «малика»ни ҳам озиқлантиради. Оқибатда «малика» нобуд бўлиб, мазкур оиланинг қайта тикланмаслиги ва бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

Сирасини айтганда, ушбу зараркунандаларга қарши жиддий курашиш доимо эътиборда. Зеро, мамлакатимиздаги тарихий ёдгорлик ва обидаларимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга ўз ҳолича безарар етказиш, қолаверса, бугунги биноларимиз бутунлигини сақлашда бу жиҳат ҳам эътиборга олиниши узоқни кўзлаб амалга ошираётган ишларимизнинг узвий давомидир. Илму фаннинг амалиётга пайваста этилаётгани эса ўша машхур – «термит кўчмайди, кўчиради» деган иборани ўзгартирса, нафақат ўзгартирса, балки умуман истъомдан чиқариб ташласа, ажабмас.

Жалол ИСАЕВ

